

ХАРБИЙ ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7819911>

Собиров Ботиржон Тохиржонович
Ўзбекистон республикаси қуролли кучлари
Академияси кафедра катта ўқитувчиси
E-mail:sobirov@inbox.uz

Аннотация.

Уишу мақолада ҳарбий педагогик жараёндаги бошлиқлар ва уларнинг қўл остидагилари билан ўзаро муносабатлари ва таълим тарбия жараёнларини тўғри ташкил этиши масалалари кенг тарзда ёритилган.

Калит сўзлар.

сержант, қисм, командир, маҳорат, умумтаълим, қонуният, таълим.

Ҳарбий педагогик жараёнда ташкилий ва мобилик ролини офицерлар, сержантлар, старшиналар ва бошқа жамоат ташкилотлари амалга оширадилар. Улар ҳарбий хизматчиларни таълим ва тарбиясини ташкил этадилар ва бу жараённи бошқарадилар ҳамда таълим - тарбия жараёнини назорат қиласидилар, натижаларни баҳолайдилар ва бу жараёнга керакли тузатишларни киритадилар.

Бу жараённи ўзагини офицерлар ташкил қиласиди. Уларга қисм, бўлим, бўлинманинг юқори жанговар тайёргарлигини доимо таъминлаб туришдек масъулиятли вазифа юклатилган. Улар нафақат юксак касбий маҳорат эгаси бўлибгина қолмай, балки юксак маънавий-ахлоқий, виждонли, интизомлиги билан бўлинма жамоасидаги ўзига хос обрўга ҳам эга бўлишлари зарурдир.

Ҳарбий педагогик жараёнининг ташкилотчилари қаторига бўлинмалардаги командирларнинг кўп сонли отрядларини ташкил этувчи сержантлар ҳам киради. Кичик командирлар таркиби интизомлаштиришнинг барча ишлари, жанговар бирлик ва қисмлар тайёргарлик асосини ҳосил қиласиди. Сержантлар кундалик ишларида аскар ва курсантларни бошқариб туради, жамоада юқори мавқени эгаллаган ҳолда обрўга эришишдек мураккаб техникани бошқаради.

Ҳарбий педагогик жараённинг сафарбар қилувчи кучи сифатида жамоат ташкилотлари ҳам намоён бўлади. Бошланғич ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқитувчилар умумтаълим ва касбий мактаблар шароитида курсантлар

бошланғич ҳарбий тайёргарлик жараёнининг бош ташкилотчиси ва бошқарувчиси вазифаларини бажариши күзда тутилган. Бұлинмаларда ҳарбий педагогик жараённинг фаол иштирокчилари аскарлар ва курсантлар ҳисобланади. Ҳар бир командир үз фаолиятларида курсантлар ва аскарларнинг умумий ва индивидуал хусусиятларини билиши ҳамда инобатта олиши лозим.

Ҳарбий педагогик жараёнда маълум тартиб ва даража бүйича таснифланадиган турли хил қонун ҳамда қонуниятлар амал қиласы. Үнда табиат, жамият ва тафаккур ривожланишининг умумийрек қонуниятларига-(микдор үзгаришидан сифат үзгаришига үтиш, бирлик ва қарама-қаршиликтар кураши, инкорни инкор қилиш) - күра иш олиб бориласы. Ҳарбий педагогик жараёнга маълум таъсирни ҳарбий- техник омил күрсатади. Замонавий ҳарбий техника узлюксиз яңгиланмоқда, микроэлектроника, ҳисоблаш техникасининг илмий базаси ривожланмоқда. Бу эса ҳарбий мутахассислар томонидан ушбу технологиялар ишлаёттан шароитда мураккаб жараёнлари тушунишни талаб қиласы. Шу аснода ҳарбийларнинг умумий ривожланиши, унинг назарий, умумилмий билимлари ва интеллектуал құникмаларига бұлған талаб ортади. Ҳарбий педагогик жараён шахс шаклланиши, ҳарбий жамоа ривожланишининг педагогик-психологик қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилинади ва амалга ошириласы.

Ҳарбий хизматчи шахсининг шакллантириш қонуниятларидан бири унинг ички интилишлари ва унга ташқи таъсирларнинг үзаро боғлиқлиги ҳисобланади. Инсон шахсига ташқи таъсирлар механик равишда сингиб қолмаслиги фанда аникланган ва амалиётта тасдиқланган. Ҳар қандай таъсирлар шахс томонидан тушунилған ва қабул қилинган, улар мавжуд бұлған йұналиш ва идеалларга мувофиқ ҳолда қайта ишланған тақдирда үз самарасини беради.

Шахс шаклланишининг қонунияти бу жараённинг яхлитлиги ҳисобланади, яғни яхлит тизимида ҳосил бұладиган инсоннинг барча хусусиятлари, сифатлари, вазифаларининг мажмуавий ривожланиши назарда тутилади. Бу ерда инсонни қисмларга бўлиб тарбиялаш мумкин эмаслигига урғу берилған. Масалан, бугун инсонни виждонини тарбиялаб, әртага амал қил деб бўлмайди. Инсон хатти- ҳаракати, фаолияти шахсни яхлит намоён бўлиши ҳисобланади. Айнан шу билан ҳарбий тайёргарлигига нисбатан мажмуавий ёндашув талаблари аникланади.

Ҳарбий хизматчи шахсининг шакллантиришнинг навбатдаги қонуниятларидан бири бу- ҳарбий жамоа ҳисобланади. Ҳарбий жамоа шакланиши ва ривожланиши ўзининг қонуниятлари билан мувофикалида амалга оширилади. Улардан асосийларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ҳарбий жамоа ҳаёт фаолияти ва ривожланиш шароити, мамлакатда фан ва техниканинг ривожланиш даражасига боғлиқлиги;

- ҳарбий жамоа мақсади, вазифалари, жипслиги ва етуклигига педагогик таъсир этишнинг мувофиқ келиши;

- бошқа бўлинма жамоалари билан доимий алоқада бўлиши ва ўзаро муносабатда бўлиш;

- ҳарбий жамоанинг жипслик ва етуклигининг даражаси раҳбарлик қилувувчи ядро: командирлар, офицерлар ва бошқа жамоат фаолларининг авторитетлиги ҳамда педагогик маданиятига боғлиқлиги.

Ҳарбий педагогик жараёнга педагогик алоқа ва муносабатларни намоён этувчи қонуниятлар ҳам хосдир. Улардан асосийси тарбия, таълим, ривожланиш бирлиги ва ҳарбийлар психологик тайёргарлиги ҳисобланади. Тарбия ва таълим жараёнида ҳар бир ҳарбий хизматчининг ривожланиши, унинг ахлоқан-руҳан тайёргарлиги амалга оширилади. Бу ҳарбий педагогик жараён иштирокчилари хоҳишидан қатъий назар улар онгига барқарор, доимий равишда сингдириб борилади.

Ҳарбий педагогик жараённинг асосий қонуниятларидан бири командирлар, офицерлар, жамоат ташкилотлари ўкув-тарбиявий таъсир қўрсатишлари, ҳарбий жамоа уйғунлашгани даражасига мувофиқ келиши ҳисобланади. Ушбу қонунийт барча тарбиячилар хатти-ҳаракатларининг йўналишини, ҳарбийлар жанговар ва сиёсий тайёргарлиги масалаларини ҳал қилишда ички кучларини тўлақонли ҳисобга олишга интилишлари; қўл остидагиларнинг ахлоқий тарбиялашда улар билан яқин, мажбурий бўлмаган муносабатлар, ўзаро тушуниш талабчанликни ўрнатишни талаб қиласди.

Ҳарбий педагогик жараённинг қонуниятлари реал жанговар фаолият шароитида ҳарбийлар жанговар ва сиёсий тайёргарлиги жараёнида моделлаштириш ҳисобланади. Ҳарбий педагогик жараённи такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қўйидагилар ҳисобланади:

Қонуниятларни тўла ҳисобга олинишини мумкинлиги ва жараён вазифалари - тарбиявий, таълимий, ривожлантирувчи, психологик тайёргарликни амалга ошириш; уни мазмуни ва ташкилий томонларини

такомиллаштириш - бу ўкув машғулотларни гоявий-назарий даражасини ошириш ва амалий амалий йўналишини кучайтириш, ҳарбийларни хизмат ва жамоат фаолияти, сиёсий- оммавий ва спорт ишлари, мустақил таълим ҳамда тарбия олишларини илмий ташкил этилиши; оптималлаштириш ва интенсификатсиялаш ҳисобланади.

Буларга хос манбалар зиддиятлар ҳисобланади. Шулардан бир нечта гурӯҳ зиддиятларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- фан ютуқлари ва уларни ҳарбий педагогик жараёнида намоён бўлганлик даражаси, жанговар техниканинг янги турлари ва уларни ўзлаштириш усуслари, жанговар техниканинг ўзгараётган шакллари ва уларни эгаллаш даражаси ва ҳ.к. ўртасида;

- ижтимоий- иқтисодий ва ҳарбий- техник омилларни ҳарбий- педагогик жараён ва унинг ҳаққоний ҳолатига нисбатан талаблари ўртасида;

- ҳарбийларнинг шаклланган эҳтиёжлари ва уларни қониқтириш шароитлари, одатий, янги ва ўзаро боғлиқ ҳарбий уставлар, юриш- туриш меъёрлари, фаолиятнинг мавжуд ва янги усуслари ва ҳ.к. ўртасида;

- ҳарбий жамоанинг жанговар тайёргарлиги ва жипслик даражаси, жанговар тартибга солингани, алоҳида шахс ва барча жамоа манфаатлари ўртасида;

- замонавий жангнинг реал шароитлари ва уни лойихалаштиришнинг эришилган даражаси; командирларнинг ўқув-тарбиявий таъсир этиш характеристиришни ҳарбийлар ҳамда ҳарбий жамоаларининг маънавий ва жисмоний ривожланиши, маҳсус тайёргарлиги даражаси ўртасида ва ҳ.к.

Ушбу қийинчиликлар, сабаблар, уларни келиб чиқишини чукур ўрганиш ҳарбий- педагогик жараёндаги ҳаракат кучларини зиддиятларга айланисидаги асосий шарти ҳисобланади. Айрим зиддиятларни ҳал қилиниши натижасида бошқаларини юзага келтиради ва яна юқорироқ кўринишида вужудга келади. Бунда ҳарбий педагогик жараённинг узлюксиз олға интиладиган ҳаракатининг моҳияти пастдан юқори погонага ортишида кўринади.

Хулоса ўрнида бугунги кунда ҳарбийларнинг оғмайдиган гоявий, жанговар, психологияк чиниқтиришни такомиллашганлигидадир. Бошланғич ҳарбий тайёргарлик мактаби ўқитувчиси ҳарбий- педагогик жараённинг қонуниятлари ва зиддиятларини билиши уни бошланғич ҳарбий тайёргарлик бўйича илмий асосланган машғулотларни ташкил этишнинг аниқ методологик позитсиясига эга бўлишига ёрдам беради, улар

самарадорлигини оширишнинг асосий йўлларини аниқлайди, курсантлар хусусиятлари ва улар таълими шароитларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг аниқ истиқболларини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдурахимова Д.А. Абиджонова М.А. Ҳарбий таълим тизимида инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш. Ўқув қўлланма. - Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси, 2021.56 б.
2. Акрамова Ш. Ҳарбий педагогика. Олий ҳарбий таълим муассасалари учун. Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2021. - 295 б.
3. Иноятов И.Ю., Абилов М.Х. Ватан ҳимояси – муқаддас бурч. – Т.: –Ўзбекистон|| нашриёти, 2001. – 81-93-б.
4. Муслимов.Н.А. Ҳарбий таълим ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фанл. докт. ... дисс. Т.: 2007. – 349 б.